

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АЁЛЛАР
ХУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР:
ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ХУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ"**

Шодиева Мадинабону Бобир кизи

Тошкент давлат юридик университети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва самарали бошқарувни тарғиб қилиши доирасида ишлаб чиқилган лойиҳа таҳлил қилинади. Лойиҳанинг асосий мақсади аёлларнинг ҳуқуқий имкониятларини кенгайтириши, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиши, фуқаролик жамияти салоҳиятини мустаҳкамлаш ва аёллар ҳуқуқларининг бузилишини олдини олишга кўмаклашишдан иборат. Ушибу лойиҳа орқали жамиятда аёлларнинг тенглик ва ижтимоий фаоллик даражасини оширишига қаратилган ислоҳотларга катта аҳамият берилмоқда.

Калим сўзлар: аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглик, самарали бошқарув, фуқаролик жамияти, иқтисодий манфаатлар, ижтимоий ҳимоя, ислоҳотлар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва самарали бошқарувни тарғиб қилиши доирасида аёллар ролини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа аёлларнинг ҳуқуқий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳа аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларининг бузилишини олдини олишга ёрдам беришни мақсад қиласди. Шу орқали жамиятда аёлларнинг тенглик ва фаоллик даражаси

оширилишига қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга катта эътибор берилади.

«2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа иш ўринлари яратиш ва қишлоқ жойларда аёллар ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳа 2018 йилнинг январь ойида ишга туширилган бўлиб, 2019 йилнинг 31 декабрига қадар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида татбиқ этиладиган бу ташабbus аёллар қўмитаси бўлимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда амалга оширилади. Лойиҳанинг асосий мақсади ёрдамга муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Лойиҳанинг бенефициарлари сифатида тахминан 1 082 000 нафар аёл иштирок этиши кўзда тутилган бўлиб, улар жойлардаги аҳоли қатламини ташкил этади. Лойиҳа доирасида яратиладиган Гендер тенглик бўйича Миллий платформа (ГТМП) гендер тенглик масалаларида хабардорликни ошириш ва хотин-қизлар ҳукуқларининг бузилишининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бу платформа гендер сиёсати ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишида аёллар фуқаролик жамияти ташкилотларининг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Лойиҳа доирасида қийин ҳаёт шароитидаги аёлларга қуидаги ёрдамлар кўрсатилади:

1. Вактинчалик бошпана: Муҳтож аёллар учун маҳсус бошпаналар тақдим этилади.

2. Ҳуқуқий, психологияк ва тиббий ёрдам: Аёллар ўз муаммоларига мувофиқ маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш олиш имкониятига эга бўлишади.

3. Лойиҳаларни бошқариш бўйича ўқувлар: 15 та фуқаролик жамияти ташкилотларига гендер сиёсати бўйича лойиҳаларни бошқариш ва маблағ жалб қилиш қўнималари ўргатилади.

4. Қайта интеграция ва профилактика дастурлари: Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик хавфининг олдини олиш, уларни жамиятга қайта интеграция қилиш йўналишида қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўтказилади.

Шунингдек, лойиха доирасида:

- Иқтисодий имкониятлар:** Аёлларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун қайта интеграция дастурлари ишлаб чиқилади.
- Маҳаллий хабардорлик:** Репродуктив саломатлик ва оиласвий низоларни ҳал қилиш бўйича маълумот бериш тадбирлари ташкил этилади.
- Кичик грантлар танлови:** Ёрдамга муҳтоҷ қишлоқ аёллари учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида кичик грантлар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақидаги қарорини 2021 йилнинг 28 май куни қабул қилинди.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш йўлида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Қарорда 2030 йилга қадар мамлакатда гендер тенгликка эришишга қаратилган стратегик йўналишлар тасдиқланади. Бу стратегиянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш: Барча соҳаларда аёллар ва эркаклар учун бир хил имкониятлар яратиш, жумладан, меҳнат, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида.

2. Зўравонлигининг олдини олиш: Гендер зўравонлигининг олдини олиш ва жамиятда аёлларни ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш.

3. Сиёсий иштирокни ошириш: Аёлларнинг давлат ва жамоат бошқарувидағи иштирокини ошириш, уларни сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга рағбатлантириш.

4. Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш: Аёллар учун тадбиркорлик ва меҳнат бозорида тенг имкониятлар яратиш, иш билан таъминлашни ошириш ва иқтисодий мустақилликка эришишда кўмаклашиш¹.

Бу стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилга келиб, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга, жамиятда аёллар ва эркаклар ўртасида тенг имкониятларни шакллантиришга эришиш кўзда тутилган.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кўтариш билан бир қаторда, Республикаизда уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини эркин юритишлари учун хам кўплаб ислоҳотлар ўткалилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркор аёллар учун имкониятларни кенгайтириш, ресурслар ва сармояларни адолатли тақсимлаш борасида бир қатор ислоҳотлар ва ташаббуслар амалга оширилмоқда. Давлат томонидан қабул қилинган дастурлар ва лойиҳалар аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни етарли капитал ва инвестициялар билан таъминлашга йўналтирилган.

Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сонли қарорига мувофиқ, тадбиркор аёлларга ажратиладиган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача оширилди. Бу субсидиялар тадбиркорликни йўлга қўйиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар сотиб олишга йўналтирилади.

Маълумот учун: субсидиялар бюджет ёки маҳсус фондлардан юридик ёки жисмоний шахсларга мақсадли равища ажратиладиган текин маблағлар бўлиб, улар кўпинча тадбиркорликни ривожлантириш ёки ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун берилади.

¹ <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>

REFERENCES

1. Аёлларга нисбатан тазийк ва зўравонликдан химоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазийк ва зўравонликдан химоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б
2. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>
- 3.<https://www.newsfactory.su/ru/economy/330243-v-ssha-poyavilsya-spetsialnyj-bankdlya-zhenschin>
4. Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement.
URL:<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)
- 5.<https://immigrant.today/canada/14416-novye-vozmozhnosti-dlja-zhenshhinpredprinimatelej-v-kanade.htm>
6. Impact to-date: BDC Capital's Women in Technology Venture Fund invests in 25 companies. URL: <https://www.bdc.ca/en/about/mediaroom/news-releases/bdc-capitalwomen-technology-venture-fund-invests-in-25-companies>
- 7.<https://www.goodnewsfinland.com/ru/opinion/o-zhenshhinah-predprinimateyah/>
- 8.<https://www.norway.no/ru/russia/norway-russia/news-events2/murmansk/news/-----/>
9. <https://asaf-today.ru/s032150750000696-7-1/>
10. <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>
- 11.<https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
12. <https://xabar.uz/post/ayollarning-jamiyatdagi-rolini-kuchaytirish-boyicha>